

Захириддин Мухаммад Бобурнинг бебаҳо адабий, илмий-назарий асарлари катори «Бобурнома»нинг хам ўрганилмаган тарафлари, кирралари шунчалар кўпки, уларни бугунги авлодга етказиш ўтмишдаги қадриятларимизни тиклаш, ундан баҳраманд бўлиш, ёшларда юксак ватанпарварлик руҳиятини тарбиялаш каби долзарб масалаларда алоҳида ўрин тутади.

Бобурнинг муҳораба майдонидаги галабаларини таъминлаган омиллардан бири, балки энг муҳими, унинг разведка хизматидан фойдаланиш кобилиятидир. Айни шу маҳорат минглаб лашкарларни ўлим балосидан асрasha, урушни ўз фойдасига ҳал килишда, колаверса, атрофидаги кишилар руҳияти, шахсиятини янада яхширок англашида, душман нияти – сир-асороридан аввалрок вокиф бўлишда Бобурга кўл келган.

Таъкидлаш жоизки, разведка хизмати тарихи узок ўтмишларга бориб такалади. Ундан окилона, тактик жихатдан пишик фойдаланган шахсгина юксак натижаларга эришган. Шоҳ ва саркарда Бобурнинг юксак мантикий таҳлили, уруш шароитини яхши англаши, яшиндек тез хулосага келиши, разведка хизматига ўз фурсатида мурожаат этиши ва қарийб адашмаганлиги кишини хайратга солади. «Бобурнома»дан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

1503-1504 йилги воқеалар. Бобур Мовароуннахрдан ноумид бўлиб, Кобулга юз тутган, Хисор вилоятининг Илок яйловларини кезиб, тақдир бундан кейин унга не кунларни раво кўришини ўй-хаёлларидан ўтказаётган мураккаб давр, бор-йўғи «ушбу юртта йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзумга устара кўйдум» деб навқирон йигитлигига ургу берган пайти. Ёш Бобур бу юртларда хукмронлик килаётган Хисор беги, кейинроқ ўзининг ашаддий душмани бўлган Хисравшоҳ ва унинг салтанати ҳакида маълумотга эга бўлиш учун Мулло Бобойи Пашогарийни «элчиликка» юборади. Бобурнинг бундан максади элчи йўллашгина эмас, зарур маълумотга эга бўлиш эди. Лекин, Бобурнинг таъкидлашича, Пашогарий «қўнгулга ёккудек сўз келтурмади». Аслида, Пашогарий жудаям курук кайтмаган. У одамлар орасида бўлиб, айрим зарур маълумотларни етказган: «вале эл ва улусдин сўзлар келтурди».

Ўша вактда Бобур ўз лашкарларининг кўп кисмидан айрилган, 200-300 аскар ва беклари билан колиб, химояга ўта мухтоҷ эди. Бу пайтда темурий шахзодалар ва уларнинг беклари орасида лашкарларининг бир бек ёки сultonдан иккинчисига гурух-гурух бўлиб ўтиши оддий хол бўлган. Бунда иктисодий, маънавий, майший жихатлар, албатта, омон колиб лашкар сафида бўлиш масаласи асосий омиллардан бўлган. Шу боис Бобур учун Хисравшоҳ лашкарларининг кайфиятини билиш мухим бўлган ва у бу вазифани разведка хизматига юклаган. Лекин натижадан унчалик кўнгли тўлмаган. Зарур маълумотга эга бўла олмаган Бобур ноилож Коҳмард ва Бомиён томонга равона бўлади. Яна бир мисол Хисравшоҳнинг иниси Боки Чагониёнийнинг Бобурга етказган разведка хабари билан boglik. Афғонистонда ўз хукмронлиги асосини solaётган Бобур бегона юртдаги шахар, кишлок, ўрмонзор, кўча ва пасткўча, дарё ва сойлар хусусиятини жуда синчковлик билан ўрганиди. Айникса, бу лашкар хавфсизлиги, салтанат тақдiri билан boglik bўlsa, Бобурнинг синчковлик кобилияти янада ошган, эҳтиёт чораларини кўришга киришган. Хали Бобурнинг Кобул хокимияти мустахкам шаклланмаган бир пайтда, атрофидаги дўстлари хам душман рафторини килганда уларнинг хар бир харакатини ўрганиш, кейин хулоса чиқариш бенихоя мухим эди. Шу даврда Бобурга нисбатан ёвкарашда бўлган Боки Чагониёний «арзга еткурдиким, сув кечмай ушбу ердин

Муаллиф:

21.07.2014 07:14 -

(яъни Кўракатутдан – кавс ичидаги баъзи изохлар муаллифники), кўнуб, Кўхат отлук ерга борса бўлур эмиш...» Бирок Бобур бу хабарга унчалик ишонмади. Чагониёний Бобурни ишонтириш максадида бир неча айгокчи кобулийларни олиб келади. Тундан кейин бир кадар ишонган бўлса-да, ушбу маълумотга таяниб уюштирган хужумдан Бобурнинг кўнгли тўлмайди: «Боки Чагониёний арзга еткургандек НИМА черик элига тушмади. Бокибек бу саъйдин шармандарок бўлди». Бу разведка маълумотлари кундалик харбий амалиётлардан бирига хизмат килган бўлса-да, Бобур бу масалага жуда жиддий ёндашган.

1528 йил вокеалари. Захириддин Бобур Хиндистонда Иброхим Лўдийнинг юз мингдан ортик лашкарини енгган. Бу узок ўлкаларда Амир Темур империясини тиклашдек орзузи амалга ошганлигидан шод бўлган даври. Бирок бу пайтда унинг хукми Хиндистоннинг барча ўлкаларига тўлик ўтмас, каршилик кўрсатаётган хинд рожалари, лашкар бошликлари хали анча ташвишлар орттирас эди. Бу вактда Бобурнинг харбий маҳорати етилган, у юрт олиш учун хар бир хабар, маълумотдан борган сари унумли фойдаланаар, хинд ерида тезрок мустахкам, хар кандай ихтилофлардан холи давлатни тузишга ошикар эди. Ана шундай пайтда Бобур шерикларининг олдига, Кўх деган жойга кема билан етиб келади. Унинг кайфияти яхши, руҳи галабалар нашидасидан кўтаринки эди. Уруш оралигига, исёнчи хиндулар, афғонларнинг тўсатдан киладиган хужумлари вазиятида у курашчилар мусобакасини ўтказган, хатто бу спорт тадбири янада жонли ўтишини истаб, ўзи таъкидлаганидек, «хилофи коида» «аввал зўррокларни» майдонга чорлаган. Хуллас, бу пайт Бобур рухиятида кам содир бўладиган хурсандлик дами бўлган.

Бирок бу кайфиятни Султон Мухаммад бахши келтирган разведка маълумоти ўзгартиради. Хаёт нашидасидан сармаст Бобур ўша захотиёк шох Бобурга айланади. Шу жараёнда «Султон Искандарнинг ўғли Махмудхоннингким, Султон Махмуд дерлар эди, БУЗУЛГОНИНИНГ хабарини келтурур». Демак, Бобурнинг разведкаси олдин унинг томонига ўтган Султон Махмудхоннинг «бузулгонини» етказган, яъни у ўз ваъдасидан кайтиб, Бобурга нисбатан душманлик кайфиятини ихтиёр этган. Бу хабар «намози дигар»да — кун корайгунча етиб келган. Келаси куни «намози пешин» (куннинг ярми)да Бобур бу маълумотга ишонкирамай разведкага бошка кишини юборади ва у хам айни хабарни келтиради. Бобур ёзади: «Икки намоз орасида Тожихон Сарангхонийнинг арзадошти хам жосус хабарига мувофик келур. Бу кайфиятларни Султон Мухаммад келиб арзга еткурди». Ушбу маълумотномалардан сўнг «Бобурнома»да бу ердаги мухорабанинг айрим деталлари баён килинади, Банорасга ўтган афғонларнинг шикаст топганлиги хакида сўз боради. Аслида, бу хол курашларнинг бир кунлик лахзаси, холос. Аммо, шунга карамай, Бобур ўз хабарчилари — разведкачилар келтирган маълумотларга катта эътибор билан караган.

1507-1508 йилларни Бобур сиёсий карашларининг энг масъулиятли даври, десак бўлади. Кобулда ўз сиёсий хукмронлигини мустахкамлаган Бобур Хиндистонга юзланади. Ўзининг айтишича, «Жумоидуввал ойи Кобулдин Хиндустан азимати била кўчилди». Ана шу бир жумла доирасида Бобурнинг янги саргардонлик тақдири, ўзининг икрорича «не бормокка ери мукаррар, не турмокка юрте муайян, юкори-куйи яна бир ХАБАР ОЛГУНЧА юрт тоза килиб кўчилур эди». Бунда Бобур аник килиб разведка хизмати, унинг ишончли хабарини олмагунча бошка ерларни ўз тасарруфига киритишга шошилмаганлигини айтмолади. Унинг бу тактикаси, харбий истеъдоди кейинрок Хиндистон мухорабаларида жуда кўл келган.

Муаллиф:

21.07.2014 07:14 -

1507-1509 йил воеалари. Бобур Кобулдан хозирги Жалолобод вилояти — Нингнаордан Хинди斯顿 томон борар экан, жуда кўп афгон тўдаларига дуч келади, улар билан мухорабалар олиб боради. Бу жараёнда хам Бобур разведка хизматига мурожаат этади. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур учун энг мухими, лашкарни эмин тутиш билан бирга уни озик-овкат, турар жой, чорва, отларни емиш билан таъминлаш бўлган. Армиянинг, салтанатининг озик-овкати масаласи хамиша биринчи галдаги вазифаларидан саналган. Бобур Нингнаор туманидаги Одинаупур кўргонига якинлашганида айнан егулик маҳсулот, айникса, шоли танкислигига дуч келади. Кеч куз пайтида эса шоли дехконлар томонидан йигиштириб олинган, далаларда айтарлик хосил колмаган. Бобур ёзади: «Кеч куз эди. Шолини тузларда аксар кўтариб эдилар. Ер билур кишилар арзга еткурдиларким, Алишанг туманининг руди юкори мил канори шолини калин экарлар. Черикка кишлиқ ошлик эхтимоли борким, андин хосил бўлгай.» (Хакикатда, Алишанг тогликда жойлашган бўлиб, унинг тепарок кисмида шоли экини кеч пишади. Ушбу сатрлар муаллифи Афғонистон Жалолободининг бу мавзеида бўлиб, у ерда жуда юкори навли шолилар етиштирилишига гувоҳ бўлган). Бу холатда разведка хизмати кўзланган натижани берган: «Нингнаор жилгасидан отланиб, илдам келиб, Сойгилдин ўтиб, Пуройин дарасигача борилди, калин шоли черик эли олдилар.» Мана бу мисол хам Бобурнинг харбий-стратегик режалари билан боғлик. Воеа Афғонистон ерларида, феврал ойининг ўрталарида содир бўлган. 1509-1510 йилнинг бу киши анча кеч келиб, Бобурга черикнинг озик-овкати ташвиши ором бермаётган пайт. У ёзади: «Сешанба куни ойнинг еттисида бекларни ва дилазак афғонлари улугларини тилаб, кенгшиб, сўзни мунга кўйулдиким, йил охир бўлубтур, хутга бир-икки кун колибтур, туздаги ошликни тамом кўтарибтурлар. Бу фурсатта Саводка борсак, черик эли ошлик топмай танкислик бўлгусидур». Бобур ўзининг лашкарлари билан жуда машаккатли довон, адирларни кезиб охири Панкайалий деган жойга тушадилар. Махаллий шароитни билиш, кейингина бир карорга келиш учун Бобур «Ўгонбердини бир неча киши била тил олгали илгаррак» юборади. Бирок, Ўонберди хам бу гал «кўнгул тилагудек таҳқик хабар келтурмади». Албатта, бу хол Бобурниcanoатлантирулар. У яна разведка хизматига мурожаат этади: «Офтоб бир найза бўйи чикканда Рустам туркманниким, каравулликка йиборилиб эди, хабар келтурдиким, афғонлар хабардор бўлиб, кўзголишибтурлар». Бобурнинг бу галги хабарчилари аник маълумот олиб келмаганларидан сўнг, у таваккал килиб хужумга ўтади, ганимларининг «бир пора асир ва ўй ва галаларини» кўлга киритади. Бобурнинг шу жойдаги бошка разведка маълумотини олиши у билан кураш олиб бораётган афғон саркардаларининг умумий холати хакида бўлиб, унинг энди, кайси йўлни танлаши учун мухим эди. Аслини олганда, худди шу фурсатларда, афғон ерларини унча яхши тасаввур этмаган Бобур учун бундай хабарлар зарур ва разведка хизматининг асосий вазифаларидан бўлган. Бу маълумотлар юзаки караганда жўнрок кўринса-да, аслида Бобур ва унинг лашкарларини ўлимдан саклаган, озик-овкатли мавзеларга етаклаган, кимга карши курашишни олдиндан белгилаб берган. Бобур ўзи учун умр мазмунининг асоси бўлган карор — Хинди斯顿 юришига: айни шу маълумотларга эга бўлганидан кейингина азм килган: «Бажаврдинким, ёнилди, Бхира хаёли била ёнилиб эди, то Кобулга келиб эдук, хамиша Хиндустан юриши хаёлида эдук». Мана бу мисол эса Бобурга бевосита уруш майдонида, унинг хал этувчи палласида разведка нечогли кўл келганини кўрсатади. Бемалол айтиш мумкинки, Хинди斯顿ни эгаллашдаги бу якуний уруш муваффакияти, имкон кадар Бобур лашкарлари учун кам

Муаллиф:

21.07.2014 07:14 -

талафот билан якунланганлиги ана шу разведка маълумотларининг натижаси билан хам бөглик. Чунки биз «Бобурнома»нинг бирон саҳифасида Бобурнинг бунчалик кўп, устма-уст хабарчиларини маълумот йигиш учун юборганини, разведка маълумоти мухораба ютугининг бош омили эканлигига бу кадар аник баҳо берилганини кўрмадик. Бобур ёзади: «Шанба куни жумодиул аввал ойининг ўн тўртида Агра навохисидин кўчуб, чохлар козилгон юртка келиб тушулди... Дарвеш Мухаммад сорбон била Кисмтойким, Байанага бориб келиб, ер-сувни билиб эди, илгари Секрий кўлининг ёқасида юрт кўра ийборилди. Келиб, юртта тушуб, Махдий Хожага, Байанадагиларга киши чоптирулдиким, бетаваккуф келиб, кўшулгайлар».

Демак, Бобур бу мухорабага киргунга кадар уч марта разведка хизматига мурожаат этган. Унинг хабарчилари бу ернинг рельефи, сув захираси, холатини «кўруб-билиб» келишлари зарур эди. Бунда маълумот тўлаконлигини таъминлаш, шубхага ўрин колдирмаслик топширилган. Бинобарин, хатоликка йўл кўйиш урушда енгилиш билан баробар бўлган. Бобур маълумотни олиб, каноат хосил килгандан сўнг тез хulosага келади: « ...бетаваккуф келиб кўшилгайлар». Яъни захирадаги кўшинлар унга келиб кўшилишини амр килган. Шундан кейин хам кўнгли тўлмаган Бобур яна разведкадан фойдаланади ва ана шу хабардин кейин ва бу ерда жанг олиб боришга оид тайёргарлик ишларини якунига етказади. Чунки хабарчиларнинг маълумотига биноан захира кучлари унга етиб келади, душманнинг каерга, кайси масофада келиб тушганлигидан огох бўлади ва шунга караб керакли жойларда коровулларни тайинлайди: «Хумоюннинг навкари Бек Мирак мўгулни бир неча йигит била коғирдин хабар олгали ийборилди. Кечасига бориб, хабар олиб, тонглasi хабар келтурдиларким, ганим кишиси Бусовардин бир курӯх илгаррак келиб тушган эмиш. Хам ушбу кун Махдий Хожа ва Мухаммад Султон мирзо ва Байанадаги илгор келиб кўшулдилар. Беклар навбат била каравулликка таъйин бўлдилар».

Захириддин Бобур мухорабада хар кандай хатолик ёмон окибатларга олиб келишини алоҳида таъкидлаган. Юкоридаги матндан кўринадики, Бобур разведка маълумотлари асосида хар бир бекни ўз лашкари билан маълум вакт ва манзилда коровулликка тайин этган. Аммо, бу маълумотларга эътибор бермаган Абдулазиз бек жуда катта хатоликка йўл кўяди, ўзини ва лашкарини хавф остида колдириб, уларнинг айримларидан айрилади, сафдошларини хам чалгитиб, уларнинг бошига турли кулфатлар ёғилишига сабаб бўлади. Ана шу мисолнинг ўзи хам Бобурнинг разведка маълумотларига накадар эътибор бергани, унга ўзи амал килгани, каламравида бу тартибни бузганларга муросасиз бўлгани далилидир. Зоро, Абдулазизнинг шу хатоси жуда катта мухорабага хозирлик кўраётган Бобурнинг режаларини бузади, Мухаммад Али жанг-жанг каби лашкарбошисини бу жангга киритишга мажбур бўлади.

Мана бу мисол Бобурнинг Иброҳим Лўдий билан олиб борган курашининг дастлабки пайтига тааллукли. У Иброҳим Лўдий аскарлари холати, унга ким дўст, ким ганим эканлигини билиш, «тажхик килиб» келишни разведка хизматига буюради ва маълумот ишонарли бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлайди: «Сиялкоттин Шоҳим Нурбекни хам Лахур бекларига чоптирулдиким, ёгий не ерда эканин тажхик килиб, кайда котилурларини сохибвукуф кишидин билиб, айтиб ийборсунлар».

Бобур ўз юрти ва бошка ерли савдогарлар оркали хам разведка маълумотлари олишга интилган. Албатта, бу усул янгилик эмас. Савдогарлар хукмдорлар учун хамиша зарур маълумотлар етказиб туришган. Бирок Бобурнинг бу галги максади аник нишонга теккан. У Иброҳим Лўдий хакида жуда муҳим маълумотга эга бўлади. Оламхоннинг

Муаллиф:

21.07.2014 07:14 -

Иброхимга карши туриши, Хурросонда эса кўчманчи ўзбаклар Балхни мухосара килганликлари хакида маълумот олади ва зудлик билан катъий карорга келади: «Оламхонга Хиндустан сари рухсат бериб, ўзумуз Балх устига отландук».

Куйидаги мисоллар юкоридагидек катта сиёсий ахамиятга молик бўлмаса-да, муҳораба тақдирини белгилашда мухим ўрин эгаллаган. 1525 йилги муҳорабалар Бобурни анчагина чарчатган бўлса хам, ёнида тўнгич ўгли Хумоюн мардонавор курашиб, кўпгина асиrlарни, кўлга киритилган филларни олиб келиб мулоzамат килганлиги унинг руҳиятини кўтарган эди. Лекин Бобур ракиби Иброҳим Лўдийнинг сир-асроридан, харбий имкониятидан кенгрок хабардор бўлишни максад килар экан, кандай бўлмасин, душман орасидан «тил» олиб келишни буюради: «Ул юрттан кўчуб, Шоҳобод келдук. Тил тутар учун Султон Иброҳимнинг ўрдусига киши йибориб, неча кун бу юртта таваккуф бўлди». Демак, Бобур хатто разведка хабарини кутиб, бу жойда бир неча кун колиб кетган. Унинг бу сабри ўз натижасини берган. У лашкарлари ва сафдошлари билан хавфсиз йўлни танлаб харакат килган. Лекин бу жойга етиб келган заҳоти яна бир кишисини разведкага, яна «тил» тутиб келишга жўнатган: «Иброҳимнинг ўрдусидин хам мутавотир хабарлар кела бошладиким, бир курух-икки курух кўчуб хар юртта икки-уч кун маком кила-кила келадур. Биз хам мутаважжих бўлуб, Шоҳободдин ора икки кўнуб, Жуун дарёсининг ёкосига Сарсава тўгриси келиб туштук. Хожа Калоннинг навкари Хайдаркулини тил тута йиборилди».

Бобурнинг бу галги тиришкоклиги, максад сари интилиши, юксак разведка кобилияти зарур натижани берган. Хайдаркули келтирган хабар Иброҳим Лўдий билан бўлган жанг муваффакиятини таъминлаган. Бу хабарда душманинг харбий имконияти, армия сафларининг жойланиши ва сони, лашкарлар орасидаги ўзаро муносабат, хатто уларнинг кайси холатда ўтириб-туришларигача тафсилоти билан етказилган эди. Бобур ушбу маълумотни олар экан, хужумга ўтиб, ўзининг энг кўзга кўринган сарлашкарлари Чин Темур Султон, Мухаммад Султон, Султоним Жунайд, Мир Ҳусайн ва бошкаларни бу муҳорабага сафарбар этади. Натижа унинг кўнглидагидан хам яхши бўлади. Бобур муҳорабаларда жуда катта ютукка эришади, ўзи ташаббус кўрсатиб Уста Аликули тўпчи билан яратган тўпларини ишга солиб, Иброҳим Лўдий устидан мутлак галаба козонади. Бу натижаларни кўлга киритишда, албатта, бевосита унинг разведкага оид кобилиятининг хам мухим хиссаси бўлган.

Аждодларимизнинг харбий салоҳияти тарихини ўрганиш ёш авлод калбida Ватанга муҳаббат туйгусини уйготишда алоҳида ахмиятга эга. Бинобарин, миллатимизнинг харбий тарихи деярли ўрганилган эмас. Биргина Бобур харбий маҳорати кўплаб тадқикотларга етарли материал бера олади. Бу масалаларни Бобурнинг моҳир адиб, шоир, олим, энциклопедик билим соҳиби сифатлари билан хамоҳанг ўрганиш, айникса, янада катта самара беради.

**Хасан Кудратуллаев,
филология фанлари доктори**